



## Гунаҳлик бандаман (Машраб газали)



Гунахлик бандаман, вакти такаллумда забоним йўқ,  
Сени лутфингга кочтим, Сандин ўзга меҳрибоним йўқ.

Эшитдим, айди Пайгамбар: «Тазаррулик керак уммат»,  
Амал, дин илмидин бебахра колдим, соябоним йўқ.

Намозу рўзани бу йўлда гафлат бирла ўткардим,  
Нечук эмин бўлурман, дил аро харгиз гумоним йўқ.

Эшитдим фазлидин «Ло такнату мин раҳматуллах»ни,  
Сени(нг) ваъданга жон берсам, мени хеч армоним йўқ.

Илоҳо, вакти риҳлат содиқул-калблар катори кил,  
Бир отинг Ламязалдур, Сендин ўзга меҳрибоним йўқ.

Насими катра лутфинг нурга еткурди хунсони,  
Талабда аввалу охир Сенингдек роздоним йўқ.

Агарчи бандаман, Воҳидлиғингга борман икрор,  
Хамани шоҳи Сенсан, ўзга бир шоҳи жаҳоним йўқ.

Хамани киштига еткур карамдин Мабдайи нуре,  
Деди Машраб, «Бу йўлда мундин ортиқ достоним йўқ».

Шарҳ: Гунахлик бандаман  
ё Аллоҳим! Гуноҳларим шу кадар кўпки, киёмат тонгида сўрок килсанг, не дейишимни билмайман. Факат Сенинг латиф зотинг, Гофур сифатингдан умидворман. Дунёю охиратда Сендан ўзга меҳрибоним йўқ. Пайгамбар алайхиссалом хадисларида умматнинг тазаррули — истигфор айтувчи бўлиши буюрилади. Не килайки, дунё гавгоси билан оввора бўлиб, амалу илмдан баҳра топа олмадим. Намоз ва рўзада гафлатда колдим. Ўзимни иймон соҳиби дейишига кандай ботинай, гуноҳсиз эканимга кандай ишонай. «Аллоҳни раҳматидан умид узманглар» деган каломингни эшитдим. Бу ваъданга жон фидо этсам, армоним колмас. Ё Илоҳо, дунёни тарк этар вактимда сиддик — Сенга ишонувчилар каторида кил. Бир номинг Ламязалдирки, Сендан бошка меҳрибон борми? Катра лутфинг шабадаси фожирни комил килур. Аввалу охир талабим Сен, Сенинг жамолингдир. Ё Аллоҳим, Сенинг бандангман. Бирлигингга икрорман. Бутун маҳлукотлар подшоси факат Ўзингсан. Сендан ўзга подшоҳим йўқдир. Карам кил ва барча мўъминлар калбига нурингдан ато эт. Девона Машрабнинг каламидан тўкилгувчи энг улуг достон шундан ўзга эмас.

Рахматуллоҳ Носирнинг  
"Соз билан сухбат" китобидан